

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



Рўйхатга олинди  
№ МО 2-80  
2019 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирининг  
2019 йил "10" Март даги  
1083-сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.

**“Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси”**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ**  
**ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ**  
**ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ**  
**МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус,  
касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар  
фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
2019 йил 18.10. даги 5 - сонли баённомаси билан маъқулланган.*

**Тузувчилар:** “Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. И.Саифназаров, ф.ф.д., проф. М.Қаххорова, с.ф.д., доц. Т.Алимардонов.

“Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц. Х.Тўйчиева, доц. в.б. А. Раҳмонов .

“Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш” модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, п.ф.д. М.Мирсолиева, п.ф.ф.д. Г.Ибрагимова, катта ўқитувчи Р.Ишмухамедов, А.Тураев, М.Матназарова, Н.Хақназарова, М.Инназаров, Д.Кушарбаев.

“Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш” модули: п.ф.д., проф. Ф. Зокирова, п.ф.ф.д.(PhD) М.Файзиева, п.ф.ф.д. (PhD) Т.Шоймардонов, ўқитувчилар А.Обидов, И.Чориев, А.Хошимов, Ғ.Отамуродов.

“ Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари” модули: катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, Ш.Файзуллаева, У.Гиясова.

“Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари” модули: т.ф.д., проф. А.Юлдашев, п.с.ф.н. Х.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.

**Махсус фанлар бўйича:** и.ф.н., доц. А.Б. Хайитов, и.ф.н., доц. Х.Х.Абдураманов, и.ф.д., проф. Б. Умурзақов, и.ф.н., доц. Б.К. Тухлиев, и.ф.н., доц. Х.А. Қурбонов.

**Тақризчилар:** Нарусе Жиро – хорижий эксперт, Япония, JICA ташкилоти  
Қ.Х. Абдурахманов Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиали директори, и.ф.д., академик

*Ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган (2019 йил 30.08 даги 1-сонли баённома).*

## КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шакллари қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модулар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

## **I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.**

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

2.2. Иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим технологиялари.

## **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш.**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

3.2. Иқтисодиёт соҳасида замонавий-ахборот коммуникация технологиялари.

## **IV. Амалий хорижий тил.**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари.**

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

5.2. Иқтисодиётда тизимли таҳлил асослари.

## **VI. Махсус фанлар**

6.1. Замонавий меҳнат иқтисодиёти.

6.2. Ижтимоий соҳалар ва инсон тараққиёти.

6.3. Инсон ресурсларини бошқариш.

6.4. Инвестиция сиёсати.

## **VII. Малакавий аттестация**

## **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

- “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” йўналишида педагог кадрларнинг замонавий касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

- “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

## **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

### ***Тингловчи:***

- персонални бошқаришда ахборот технологияларини қўллашни;

- меҳнат бозорини таҳлил қилиш услубларини;

- меҳнат бозорини социологик тадқиқот этишнинг асосий босқичларини;

- меҳнат бозорини ривожлантириш концепцияси ва унинг стратегик мақсадларини;

- ишга жойлашишга муҳтож шахслар сонини аниқлаш услубиятини;
- аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солиш усулларини;
- меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни истиқболлаштиришни;
- меҳнат бозорининг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини;
- иш ҳақини ташкил ва уни ҳисоблаш усулларини;
- персонал лизингида меҳнат муносабатларини;
- меҳнат жамоасини ташкил этиш ва унинг шаклланиш босқичларини;
- персоналнинг узлуксиз таълимини ташкил қилиш усулларини;
- персонал карьерасини режалаштиришни;
- кадрлар заҳираси билан ишлашни;
- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни ташкиллаштиришни;
- инсон тараққиёти мезонлари ва индикаторларини;
- глобал ва миллий мингйиллик ривожланиш мақсадлари ва вазифаларини;
- инсон тараққиётини халқаро таққослаш кўрсаткичларини;
- инвестициялар ва инвестицион фаолиятнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни;
- инвестицион фаолиятни тартибга солишда давлатнинг роли бўйича таҳлилий амалларни қўллашни *билиши керак*.

***Тингловчи:***

- меҳнат иқтисодиёти соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш;
- меҳнат бозори конъюктураси ва унинг амал қилиш механизмларини аниқлаш;
- меҳнат бозори инновацион ривожланишининг институционал асосларини чуқур англаш;
- аҳолини иш билан таъминлаш ва ишсизликни камайтириш;
- меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаш;
- асосий иш натижалари учун рағбатлантириш тизимларини ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш;
- иш вақти фондини тузиш ва ундан фойдаланишни иқтисодий таҳлил қилиш;
- меҳнат шароити ва унинг ҳолатини белгиловчи иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий тадбирларнинг самарадорлигини аниқлаш;
- Ўзбекистонда демографик ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;
- инсон тараққиёти индекси ва уни ҳисоблаш методикасини ҳисоблаш;
- инсон тараққиётида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва таълим сифатини ошириш;
- давлат инвестицион сиёсатини фаоллаштириш;
- Ўзбекистонда ҳудудий инвестиция сиёсатини ташкил этиш;

- инвестицион муҳитга таъсир этувчи омиллар ва инвестицион жозибадорликни баҳолаш тартиблари каби **қўникмаларига эга бўлиши лозим.**

***Тингловчи:***

- иш жойини унга қўйиладиган асосий талаблар асосида ташкил этиш;
- меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш;
- меҳнат унумдорлигини ўлчаш усулларида фойдаланиш;
- аҳолини иш билан таъминлаш ва иш ўринларини ташкил этиш;
- корхонада меҳнатни ташкил қилинганлик ҳолатини баҳолаш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари ва захираларини аниқлаш;
- инсон тараққиёти индексини ҳисоблаш;
- инсон тараққиёти концепциясининг келгусидаги ривожланиш йўналишларини белгилаш;
- инсон тараққиёти индекси миқдори бўйича мамлакатларни таснифлаш ва табақалаштириш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими институтлари туркумлаш;
- персонални бошқаришнинг ҳозирги замон инновацион йўналишларини аниқлаш ва қўллаш;
- меҳнат низолари ва уларни бошқариш;
- Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан тартибга солиш;
- инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишга ***оид малакаларига эга бўлиши зарур.***

***Тингловчи:***

- меҳнатни ташкил этиш тизимидаги инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш;
- меҳнат бозорида ишчи кучининг сифат кўрсаткичларини ошириш;
- мамлакатда тайёрланаётган меҳнат иқтисодиёти соҳасидаги мутахассисларни ўқитиш жараёнига назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- гендер, ишлаб чиқариш воситалари ва ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш;
- хорижий мамлакатларнинг меҳнатни оқилона ташкил этиш ва меҳнат бозорини тартибга солиш имкониятларини жорий этиш;
- корхоналарнинг инвестицион сиёсатини ишлаб чиқиш;
- инвестицион лойиҳаларни иқтисодий баҳолаш каби ***компетенцияларга эга бўлиши зарур.***

## **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган мустақил малака ошириш шакллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

## **“МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ ВА СОЦИОЛОГИЯСИ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

### **I. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

#### **1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.**

Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривожини ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожини демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характери. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилсин” ғояси. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислохотларни жадаллаштиришнинг муҳим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислохотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим, Халқ таълими ва Олий таълим тизимини



2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазибалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурий асоси. Талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро нормалар ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқ аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлашда Хотин-қизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.**

Жамиятда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш ҳамда олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг инсон ҳуқуқлари. Гендер муаммолари ва ўқув жараёнида гендер-дифференцияланган хулқ-атворнинг таъсирини ҳисобга олиш масалалари.

Қонуности ҳужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим (ихтисос) йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юктамаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

## **II. ИЛҲОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ**

### **2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.**

Педагогика ва касб-ҳунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти. Таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти.

Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. Инновацион таълимда илғор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш. Бакалаврият йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. Ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иқтидорли талабалар билан ишлаш.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойихавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари. Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

## **2.2. Иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим технологиялари.**

Иқтисодиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими самардорлигини оширишга нисбатан технологик ёндашувнинг зарурлиги. Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш. Иқтисодий фанларни ўқитишда маълумотларни таркиблаштириш, ўрганилаётган тушунчалар ўртасидаги алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг метод ва воситаларидан фойдаланиш. Иқтисодий фанларни ўқитишда маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослашнинг метод ва воситаларидан фойдаланиш. Иқтисодий фанларни ўқитишда муаммони аниқлаш ва таҳлил қилиш. Иқтисодий фанларни ўқитишда муаммо вазибаларини режалаштириш.

Иқтисодиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимида хорижий мамлакатлар илғор тажрибалари. Замонавий ёндашувлар. Европа ягона таълим муҳити (Болонья жараёни). Модулли таълим моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари.

Модулли-кредит тизими моҳияти. ECTS кредитлари. ECTSнинг асосий тамойиллари. ECTSнинг хусусиятлари. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси.

Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Англия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услугий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш бўйича тажрибаларини таълим тизимига тадбиқ этилиши.

Кейс-стади технологияси моҳияти, унинг яратилиш тарихи. Кейс-стади технологиясини умимий тавсифи ва уни таълим жараёнига татбиқ этишнинг дидактик аҳамияти. Кейс-стади технологиясини таълим жараёнига самарали татбиқ этиш шартлари. Кейс-стади технологиясининг таркибий тузилмаси ҳамда ўзига хос дидактик хусусиятлари. Кейслар типологияси. Кейсларни яратиш методикаси.

Ўқув жараёнининг норматив-ҳуқуқий асослари (таълим стандартлари, ўқув режа, фан дастури ва локал ҳужжатлар) бўйича хорижий тажрибалар ва уларнинг қиёсий таҳлили.

### **III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

#### **3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.**

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. LMS тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Web-технологиялар, унинг хусусиятлари ва таълим жараёнида фойдаланиш. Булутли технологиялар. Google булутли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурий воситалар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошқ.) дан фойдаланиб мультимедиали ўқув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

#### **3.2. Иқтисодиёт соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари**

Ахборот технологияси ва ахборот тизими тушунчаси. Иқтисодий ахборот тизимлари. Рақамли иқтисодиёт тушунчаси. Иқтисодий объектни бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари. Мижоз-сервер технологияси. Замонавий ахборот технологияларининг янги авлодлари ва улардан иқтисодиётда фойдаланиш. 3D технология. Сунъий ақл.

Электрон ҳукумат. Интерактив хизматлар ва уларнинг турлари. Электрон ҳужжат ва электрон рақамли имзодан фойдаланиш. Электрон тижорат ва уни ривожлантириш концепцияси. Электрон пуллар. Криптовалюталар ва блокчейн технологияси. Иқтисодиёт соҳаларида замонавий ахборот тизимларининг ўзига хос жиҳатлари. Иқтисодий ахборот тизимларида ахборотни ҳимоялашнинг замонавий усуллари.

gov.uz- Ҳукумат портали; president.uz-Президент веб сайти; pm.gov.uz - Президент виртуал қабулхонаси; my.gov.uz -Ягона интерактив давлат хизматлари портали; stat.uz –сайти интерфейси билан танишиб чиқиш. eStat 2.0 статистик ҳисоботларини йиғишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими демо версияси имкониятларини ўрганиш;

soliq.uz сайти билан танишиш. Сайтнинг интерактив хизматларидан фойдаланишни ўрганиш.

Интернетда тўлов тизимларида ишлаш. PayNet, FastPay, UniPay, E-pay тизимлари билан танишиш. Интернет дўконлар ва интернет биржа. Websum сайтида ишлаш.

Корхона иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва диаграммалар тузиш. Иқтисодий ахборотни филтрлаш ва оралиқ натижалар олиш. Microsoft Excel дастурида мантиқий функциялардан фойдаланиш. Корхона ходимлари статистик таҳлилини амалга оширишга доир иқтисодий масалалар.

#### **IV. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ**

##### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – B1, B2). Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил кўникмалари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон ҳақида, мамлакатимизнинг машҳур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий ҳордиқ, телефонда суҳбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, кашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

#### **V. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ**

##### **5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.**

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олий таълим тизими: таркиби, мақсад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари. Ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари. Педагогик фаолиятда муаммолар: бакалавриат ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш; кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори

эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш; кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар; таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш; иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари. Тизимли фикрлаш.

Педагогик тизимда таҳлилий фаолият. Аналитик ва сифатли усуллар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил усуллари.

Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қўйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологик жиҳатлари. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

## **5.2. Иқтисодиётда тизимли таҳлил асослари.**

Иқтисодиётнинг яхлит тизим сифатидаги хусусияти ва уни тизимли таҳлил қилиш методологияси. Тизимли таҳлил асосида олинган натижа ва хулосаларни илмий асослаб, оптимал қарор қабул қилиш. Иқтисодиёт соҳаларига мос объектларда тизимли таҳлил олиб бориш. Иқтисодиёт соҳасида тизимли таҳлил натижасидаги қарор қабул қилишда моделлаштириш усулларида фойдаланиш. Тизимли таҳлил объектларини бўлақларга ажратиш, уларни ечишда самарали усулларни қўллаш. Тизимли таҳлил натижасида олинган натижаларни оптималлаштириш. Иқтисодиётга оид мураккаб тизимларни моделлаштириш ва лойиҳалаштириш. Тизимли тузилмага эга бўлган иқтисодий тизимларни бошқариш. Ўз касбий фаолиятини тизимли бошқариш. Иқтисодий тизим элементлари ҳисобланувчи бўлақларни интеграция қилиш ва ҳар қандай яхлитни дифференциация қилиш. Иқтисодий тизим тараққиётини, унинг ривожланиш тенденцияларини прогноз қилиш.

# **VI. МАХСУС ФАНЛАР**

## **6.1. Замонавий меҳнат иқтисодиёти.**

Меҳнат бозорини тартибга солиш усуллари, шакллари ва воситалари. Меҳнат бозорини таҳлил қилиш услублари. Меҳнат бозорининг самарали амал қилишига рақобатбардошликнинг таъсири. Меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифни истиқболлаштириш. Кадрлар маркетинги тадқиқоти босқичлари. Меҳнат бозорини социологик тадқиқот этишининг асосий босқичлари. Меҳнат бозорини социологик тадқиқот этишни такомиллаштириш йўналишлари. Меҳнат бозорини ривожлантириш концепцияси ва унинг стратегик мақсадлари. Янги иш жойларини ташкил этиш йўналишлари. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг тоифаларига

квоталаштирилган иш жойларини ташкил этиш. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш. Меҳнат бозори инновацион ривожланишининг институционал асослари. Меҳнат бозорида ишчи кучининг сифат кўрсаткичларини ошириш.

## **6.2. Ижтимоий соҳалар ва инсон тараққиёти.**

Инсон ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий мақсади. Инсон тараққиёти концепциянинг юзага келиши ва шаклланиши. Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси. Демографик ҳолатнинг комплекс таҳлили. Ўзбекистонда демографик ривожланиш тенденциялари. Миллий таълим сиёсатининг ҳуқуқий асослари. Инсон тараққиёти масалалари тармоғида таълимнинг ўзбек миллий моделини шакллантириш. Аҳоли фаровонлигини ошириш дастури. Инсон тараққиёти индекси ва уни ҳисоблаш методикаси. Инсон тараққиёти индекси миқдори бўйича мамлакатларни таснифлаш ва табақалаштириш Гендер омилини ҳисобга олган ҳолда ривожланиш индекси. Ўзбекистоннинг ривожланиш контекстида Гендер масалаларини баҳолаш. Гендер ва Ўзбекистонда турмуш даражаси. Эркак ва аёлларнинг иқтисодий имкониятлари. Гендер, ишлаб чиқариш воситалари ва ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш. Гендер тенгликни қўллаб-қувватловчи миллий қонунчилик, дастурлар ва институтлар. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими институтлари. Инсон тараққиёти мақсадида ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари. Ижтимоий ёрдамни кучайтириш бўйича ижтимоий сиёсат чоралари. Инсон тараққиётидаги халқаро таққослашлар.

## **6.3. Инсон ресурсларини бошқариш.**

Персонални бошқаришнинг ҳозирги замон инновацион йўналишлари. Персонални бошқариш моделлари. Кадрлар хизматининг анъанавий ва янги роли. Персонални бошқариш стратегияси. Персонални касбга йўналтириш, жой-жойига қўйиш ва янги ходимларни хизмат вазифасига мослаштириш масалалари. Персонални стратегик режалаштириш механизмлари. Персонал лизингида меҳнат муносабатлари такомиллаштириш. Меҳнат низолари ва уларни бошқариш. Ихтилофли вазиятлар ва уларнинг моделлари. Ходимлар сифатини ошириш йўллари. Ташкилот ходимлари билан ишлаш самарадорлигини оширишда кадрлар сиёсатининг роли. Персонални қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш йўналишлари. Персоналнинг меҳнат мотивациясини ошириш йўллари. Персонални аттестациядан ўтказиш тартиби. Персонал карьерасини режалаштириш. Карьера динамикасини таҳлил қилиш ва ривожлантириш йўналишлари. Кадрлар захираси билан

ишлаш ва захирага бўлган эҳтиёжни таҳлил этиш. Персонални бошқариш хизматида иш юритиш. Персонални бошқаришда ахборот технологияларини қўллаш. Персонални бошқариш ва бухгалтерия ҳисобини комплекс ахборотлаштириш тизими.

#### **6.4. Инвестиция сиёсати**

Инвестицион фаолиятни тартибга солишда давлатнинг роли. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини ошириш ҳамда инвестиция сиёсатини такомиллаштириш. Давлат инвестиция сиёсатининг моҳияти, уни тартибга солиш йўналишлари ва тамойиллари ҳақида тушунчалар. Давлат инвестиция сиёсатини фаоллаштириш кўникмаларини шакллантириш. Ўзбекистонда ҳудудий инвестиция сиёсатини ташкил этиш. Инвестиция сиёсати соҳасида амалий таҳлиллар ва илмий изланишлар олиб бориш. Инвестицион муҳитга таъсир этувчи омиллар ва инвестицион жозибadorликни баҳолаш тартиблари бўйича таҳлилий амалларни қўллаш. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш. Корхоналарнинг инвестицион сиёсати. Инвестицион лойиҳаларни иқтисодий баҳолаш. Инвестиция сиёсатини такомиллаштириш бўйича илмий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқиш.

### **VII. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиога қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

#### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.



## **Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака ошириш қуйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулоти ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун химоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиладилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гуруҳи учун 1 та очик дарс ўтказилади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хулосалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.:“Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

22. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.

23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.

26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.

27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

29. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.

30. Karimova V.A., Zaynutdinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– T.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.

31. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572 b.

32. Abdurakhmanov K.Kh. New Course of Economics Theory: Textbook. – T.: Fan vatexnologiya, 2014, - 472 p.

33. Kalandar Abdurakhmanov, Nodira Zokirova. Human development. Textbook. – Norderstedt, Books on Demand, 2014, -428 p.

34. Абдурахманов К.Х., Зокирова Н.К. Человеческое развитие: Учебник. – Т.: ФГБОУ ВПО «РГЭ им. Г.В.Плеханова», 2014. – 320 с.

35. Абдурахманов Қ.Х. ва бошқ. Демография. Дарслик. – Т.: Fan va texnologiya, 2014. – 368 б.

36. Abdurahmonov Q.X, Zokirova N.Q. Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi. O’quv qo’llanma. - T.: «Fan va texnologiya», 2013. – 536 b.

37. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 388 б.

38. Abdurahmonov Q.X, Shoyusupova N.T. Aholini ish bilan bandligi. O’quv qo’llanma. – T.: TDIU, 2011. - 384 b.

39. Abdurahmonov Q.X, Shoyusupova N.T. Mehnat iqtisodiyoti: ijtimoiy-mehnat munosabatlari. Darslik. – T.: TDIU, 2011. - 692 b.

40. Xolmo’minov Sh.R, Xolmurodov S.E. Mehnat bozori iqtisodiyoti. O’quv qo’llanma – T.: TDIU, 2013. – 232 b.

41. Холмўминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004. – 202 б.

#### **IV. Интернет сайтлар**

35. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) — Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

36. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

37. [www.uza.uz](http://www.uza.uz) — Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги

38. [www.ifmr.uz](http://www.ifmr.uz) - Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти

39. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) - Ziyonet таълим портали

40. [www.economics.ru](http://www.economics.ru) — “Экономическая газета” газетасининг расмий сайти

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази  
Директор \_\_\_\_\_

“ \_\_\_\_\_ ” 201\_\_ й.

М.Ў.



Тошкент давлат иқтисодий университетини

Ректор \_\_\_\_\_ Б.Ю. Ходиев

“ \_\_\_\_\_ ” 201\_\_ й.

Тошкент давлат иқтисодий университетини таълим вазирлигининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази

Директор \_\_\_\_\_ Г.Н. Ахунова

“ \_\_\_\_\_ ” 201\_\_ й.

М.Ў.



**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш бошқармаси  
Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ Ф.Т.Эсонбобоев

“ \_\_\_\_\_ ” 201\_\_ й.

М.Ў.

